

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

САМАРКАНД ИКТИСОДИЕТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

“Банк-молия хизматлари” факултети

«Молия ва сугурта хизматлари» кафедраси

**«Давлат бюджети»
фанидан**

РЕФЕРАТ

**Мавзу: Бюджет жараёни ҳақида тушунча ва уни ташкил
этишнинг ҳуқуқий асослари**

**Бажарди: ҒИ-109 гуруҳ талабаси
Ибрагимов Ш.**

Текширди: асс. Хусанов Б.

Самарқанд-2012

Мундарижа

Кириш

1. Бюджет жараёни ҳақида назарий тушунча
2. Бюджет жараёнининг асосий вазифалари ва тамойиллари
3. Бюджет жараёнини ташкил этишни ҳуқуқий жиҳатдан амалга ошириш тартиби

Хулоса

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Кириш

Ўзбекистон Республикаси ўз мустақилигининг тарихан қисқа давр ичида жуда катта ва кенг миқёсли ижобий ўзгаришларга эришмоқда. Айниқса унинг иқтисодий ривожланиш борасида жахон бозорига аста секин кириб бориши, дунёдаги кўпчилик ривожланган мамлакатлар билан тўғридан-тўғри алоқалар ўрнатиб, халқаро даражада тан олиниши диққатга сазовордир. Дунёдаги ривожланган мамлакатларнинг молия-бюджет тизими тажрибасидан кенгроқ фойдаланиш бугунги куннинг долзарб муаммоларидандир.

Президентимиз мана шу муаммоларни хал қилиш мақсадида қонун чиқарувчи орган ҳисобланган Олий Мажлис азаларига бир қанча таклифларни киритдилар ва мустақиллик йилларидаги асосий қомусимиз ҳисобланган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 123-моддасида солиқ ва солиққа тортиш тўғрисида умумий тухталиб, унинг ҳуқуқий замини яратилди.

Шундан қелиб чиқиб 2000 йил 14 декабр " Бюджет тизими тўғрисида " ва бошқа бир қанча Ўзбекистон Республикаси қонунлари қабул қилинди.

Бюджет тузилиши мамлакатнинг давлат бюджети ва бюджет тизимини, унинг айрим бўғинлари ўртасидаги ўзаро муносабатларни ташкил қилишни, ҳамда бюджет тизимига қирадиган бюджетлар фаолиятининг ҳуқуқий асосларини, бюджетлар таркиби ва тузилмасини, бюджет маблағларини шакллантириш ва сарфлашдаги тартиб-қоидалар ва бошқаларни белгилаб беради.

Ўзбекистон Республикасининг бюджетининг тузилиши Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг "Бюджет тизими тўғрисида" қонуни, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ҳар йили қабул қилинадиган "Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети тўғрисидаги" қарори ва Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва параметрлари

прогнози тўғрисида” қарорлари ва бошқа қонун ҳужжатлари асосида белгиланади. Уларга амал қилган ҳолда бюджет жараёнини ташкил этиш ва бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш долзарб муаммо бўлиб қолмоқда.

1. Бюджет жараёни ҳақида назарий тушунча.

Бюджет жараёни - бу қонун билан тартибга солинган давлат ва маҳаллий Ҳокимият органларининг тегишли бюджетларни тайёрлаш, муҳокама қилиш, тасдиқлаш ва ижро этиш бўйича фаолиятidir. Бу фаолият босқичма - босқич амалга оширилади ва ҳар йили такрорланиб туради.

Бюджет жараёнининг мазмуни мамлакатнинг давлат ва бюджет тузилиши, давлат ҳокимият органларининг бюджет ҳуқуқлари билан белгиланади.

Бюджет қонунчилиги бюджет ваколатига эга бўлган давлат органлари тизимини белгилаб беради. Мазкур тизимга қуйидагилар киради:

молиявий органлар – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, молия бошқарма ва бўлимлари;

пул-кредит тартибга солувчи органлар – Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки ва унга тобе бўлган банк муассасалари;

молиявий контролни амалга оширувчи органлар, масалан, давлат ҳокимиятининг вакиллик ва ижро органлари ва х.к. лар.

Бозор иқтисодиёти шароитида Давлат бюджетининг иқтисодиётни бошқаришдаги самарадорлигини ошириш учун бюджет жараёни қуйидагича бўлиши керак:

Бюджет жараёни бюджет фаолиятининг тўрт босқичини ўз ичига олади:

1. Давлат бюджети лойиҳасини тайёрлаш;
2. Давлат бюджетини тайёрлаш, кўриб чиқиш ва қабул қилиш;
3. Давлат бюджети ижроси;
4. Давлат бюджети ижро этилишини назорат қилиш.

Бюджет жараёнининг барча босқичлари ўзаро боғланган бўлиб, у нафақат жамият иқтисодий ҳаётининг, балки сиёсий маданиятнинг ҳам тўридан-тўғри

ифодасидир. Мамлакатлар бўйича барча босқичларнинг давомийлиги ҳар хилдир, лекин уларнинг аксариятида бу жараён уч йилдан ортиқ кечмайди.

Бюджет жараёнининг давомийлиги юқоридаги тўрт босқичнинг барчасидан иборат бўлиб, одатда, уч йилга яқин давом этади. Бунинг бир йилга яқини бюджет лойиҳасини ишлаб чиқиш (яратиш, тузиш), уни муҳофаза қилиш (кўриб чиқиш) ва тасдиқлаш (қабул қилиш)га, бир календар йили (1 январдан 31 декабргача) бюджетни ижро этишга (бюджет даври) ва саккиз ойга яқини бюджетнинг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни тайёрлашга ва уни тасдиқлашга тўғри келади.

Давлат бюджети бюджет жараёни иштирокчиларининг мамлакат учун давлат функциялари ва вазифаларини бажариш имкониятини бажариш имкониятини бийерувчи оптимал бюджетни шакиллантиришга, шунингдек, марказлаштирилган пул маблағлари жамғармаларининг ҳосил қилиниши ва улардан фойдаланиши устидан назорат олиб боришга қаратилган исчил ҳаракатлари воситасида шакиллантирилади. Ушбу ҳаракатлар мажмуи бюджет жараёни деб аталади.

Шундай қилиб, бюджет жараёни – давлат бюджетини тузиш, кўриб чиқиш, қабул қилиш ва ижро этиш, унинг ижросини назорат қилиш, ижроси ҳақидаги ҳисоботни тайёрлаш ҳамда тасдиқлаш, шунингдек, Давлат бюджети тузилишига кирувчи бюджетлар ўртасидаги ўзаро муносабатларининг қонун ҳужжатлари билан тартибга солинган жараёни.

Бюджет ташкилотлари, давлат корхоналари, бюджет маблағларини олувчилар бошқа субъектлар, шунингдек, бюджет маблағлари билан айрим операцияларни амалга оширувчи кредит ташкилотлари ҳам бюджет жараёни иштирокчилари ҳисобланадилар.

Ўқув ва илмий адабиётларда бюджет жараёнига давлат ҳокимияти, маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари ва бюджет жараёнинг бошқа иштирокчилари фаолиятида бюджетларнинг лойиҳаларини тайёрлаш, кўриб чиқиш, тасдиқлашда, шунингдек, улани ижро этишда ишлар тартиби ҳамда кетмакетлигини белгиловчи жараён сифатида алоҳида аҳамият берилади.

Бюджет ҳисобини тузиш ва тасдиқлашга, бюджет ҳисобини юритиш, бюджет ижросини сиртдан текшириш ҳамда назорат қилишни амалга оширишга қўйиладиган талаблар ишлаб чиқилади.

Бюджет жараёни босқичларининг давомийлиги, яъни бюджет лойиҳасини тайёрлашдан бошлаб бюджет ижроси тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқлаш жараёнига қадар бўлган муддат уч йилни ташкил этади. Тасдиқланган бюджетнинг ҳаракат қилиш муддати - бюджет йили деб аталади ва у бир йилни (1 январдан 31 декабргача) ўз ичига олади.

Бюджет жараёнини акс этирувчи яни бир муҳим иқтисодий кўрсаткич мамлакат иқтисодиётига тушувчи фискал юкдир. Иқтисодиётга амалда тушувчи солиқ юки деганда давлат фойдасига амалда тўланган мажбурий йиғимларнинг мамлакат ялпи маҳсулотидаги улуши тушунилади, бошқача қилиб айтганда, бу солиқ йиғимларидан олинган давлат даромадлари миқдорининг ялпи ички маҳсулот миқдорига нисбатидир. Фискал юк кўрсаткичи қанча баланд бўлса, даромад озлиги туфайли иқтисодиётга инвестиция қилишга шунча кам бўлади. Бошқа томондан, солиқ юки кўрсаткичининг патлиги давлат лозим даражада кучли ижтимоий сиёсат олиб боришга қодир эмаслигини кўрсатиши мумкин.

Бюджет жараёнини, шу жумладан, унинг базавий элементи бюджет ҳисоботини юритишни ислоҳ қилиш жараёни ХХИ аср бошида жаҳоннинг барча мамлакатларини қамраб олади. Бу ҳол шу билан белгиланадики, давлат секторида лозим даражада бошқариш макроиқтисодий барқарорликка эришишда ва миллий иқтисодиётларнинг барқарор ўсишини таминлашда биринчи даражали рол ўйнайди. Лозим даражада бошқаришнинг муҳим жиҳатларидан бири бюджет солиқ соҳасида очиқлик ва ошкоралиқдир. Ушбу солиқ сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун жавобгар шахсларнинг ҳисобдорлигини кучайтиришни, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш режаларини таминлашни назарда тутди.

Ғарбий Йевропанинг айрим мамлакатларида ХХ асрнинг 70-80 йилларида анча самарасиз бюджет сиёсати олиб борилади:ҳаражатлар ва солиқ солиш

даражаси жадал суратларда ўсиб борган, бюджет тақчиллиги эса жуда катта бўлган. Ўтган аср 90-йилларида Ғарбий Йеуропа мамлакатларида давлат молиясини соғломлаштириш амалга оширилди, бюджетни тайёрлаш жараёнида янги усуллар киритилди. Натижада бу ерда айрим мамлакатлар бюджет жараёнининг “юқоридан пасга” ҳаракат билан тавсифланганидан, амалда яхши самара берган моделларига ўтди.

Сўнги йилларда кўпгина ривожланган мамлакатлар бюджетни шакиллантиришнинг Янги тартибини жорий этдилар. Улар “пастдан юқорига” қараб ҳаракатланувчи бюджет ўрнига “юқоридан пасга” қараб ҳаракатланувчи бюджетни ҳаракатлантирмоқдалар. Бу ҳукумат жараёнини бюджет сиёсий мақсадларини ёки чеклашларни белгилашдан бошланишини англатади. Кўпгина мамлакатларнинг бюджет жараёнидаги ўзгаришларни умумлаштириб шуни айтиш мумкинки, илгари бюджетни унинг таркибий қисимларидан тартиб, яхлит бюджетни олган бўлсалар, эндиликда яхлит бюджетдан бошлаб унинг таркибий қисимларини олмоқдалар. Лўнда қилиб айтганда, мамлакатларнинг ҳукуматлари одатда қуйи турувчи мамурий тузилмаларда юзага келувчи Маблағларни ҳадда ташқари қаттиқ бириктириш ҳолларига йўл қўймасликка ҳаракат қилмоқдалар. Айни вақтда бирорта ҳам ҳукумат бюджет сиёсати чеклашларни уларнинг доирасида зарурий ҳаражатларни амалга ошириш мумкин эканлигига ишонч ҳосил қилмасдан тасдиқлай олмайди. Бу бюджет жараёнининг “юқоридан пасга” модели соф ҳолатга бирорта ҳам мамлакатда қўлланилмаслигини англатади.

2. Бюджет жараёнининг асосий вазифалари ва тамойиллари.

Бюджет жараёнининг олдида қуйидаги муҳим вазифалар қуйилади:

- мувозанатлаштирилган бозор сари кескин таракдиётга эришиш мақсадида барча моддий ва молиявий резервларни кидириб топиш;
- алоҳдса солиқлар ва бошқа туловлар бўйича, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг башоратлари ва мақсадли дастурларига

мувофиқ бюджет даромадлари ва уларнинг умумий ҳажмини аниклаш;

- мақсадга мулжалланганлиги бўйича, шунингдек, бюджетда кўзда тутилган умумдават аҳдмиятига эга бўлган барча тадбирларни узлуксиз молиялаштириш эҳтиёжини инобатга олган ҳолда бюджет харажатлари ва уларнинг умумий ҳажмини белгилаш (ўрнатиш);

- иктисодиётдаги инфляцией тенденциялар ва пул-кредит таназзулини бартараф этишга, миллий пул бирлигининг баркарорлигини таъминлашга юналтирилган молиявий бакарорлаштиришнинг умумий дастурини бюджет билан мувофиқлаштириш;

- иктисодий жихатдан мақсадга мувофиқ бўлган манбалар ҳисобидан бюджет дефицитига барҳам бериш ёки уни қисқартириш;

- иктисодий минтакалар, хужалик соҳалари ва бюджетлар ўртасида давлат даромадларининг манбаларини қайта таксимлаш йўли билан турли даражадаги бюджетларни баланслаштириш мақсадида бюджетли тартибга солишни амалга ошириш;

- кенг куламли барча ижтимоий-иктисодий дастурларнинг баланслилиги ва пропорционаллигини таъминлашга имкон берадиган истикболли бюджетли режалаштиришнинг ролини ошириш;

- солиқ мажбуриятларини бажаришда алоҳида фукаролар даромадлари ва юридик шахсларнинг молиявий фаолиятлари устидан назоратни таъминлаш;

- замонавий электрон ҳисоблаш техникаларидан кенг фойдаланиш асосида ва молиявий ҳисоб-китобларнинг автоматлаштирилган тизими оркали бюджетларни тузиш ва ижро этиш жараёнларини автоматлаштириш ва бошқалар.

Бюджет жараёнини ташкил этишда қуйидаги тамойилларга риоя қилинади:

- ягоналик;
- мустакиллик;
- баланс методи.

Ягоналик тамойили бу ерда ягона ҳуқуқий база, ягона бюджет классификацияси, мамлакатнинг консолидациялаштирилган бюджетини тузишда зарур бўладиган статистик ва бюджет маълумотлари учун бюджет ҳужжатлари шаклларининг ва пул тизимининг ягоналиги орқали ифодаланади.

Мустақиллик тамойили бюджет жараёнини амалга оширишда унинг ҳар бир иштирокчиси учун мустақил бўлганлиги билан белгиланади. Унга мувофиқ, бу жараённинг иштирокчилари даромадларнинг ўз ва тартибга солувчи манбалари ҳамда улардан фойдаланишнинг юналишларини мустақил равишда аниклаш ҳуқуқига эгадирлар.

Баланс методи тамойили бюджет даромадлари ва ҳаражатлари ўртасида тўғри нисбатлар урнатишда гавдаланади. Унга риоя қилиниши бюджетнинг барқарорлигини ва ҳужалик соҳалари ўртасида маблағларни тақсимлашда зарурий пропорсияларни таъминлаши керак. Бу методнинг муҳим шарти бюджет ҳаражатларининг даро-мадларига мувофиқлиги ва молиявий резервларни яратишидир. Бу тамойил молиявий сиёсатнинг бош мақсади ҳисобланади.

Шу билан бирга жами бюджетларнинг даромадлари ва ҳаражатлари ўртасида шунингдек, натурал ва молиявий кўрсаткичлар ўртасида тўғри нисбатларни ҳам белгилаш бўлиб ҳисобланади. Бу бюджет барқарорлигининг таъминланиши ҳамда маблағларни ҳўжалик соҳалари иқтисодий минтақалар ўртасида тақсимлашда зарур пропорсияларни яратиши лозим.

Унинг муҳим шарти бюджет ҳаражатларининг даромадларга мос бўлиши молиявий захиралар ташкил қилишдан иборат. Бу тамойил бутун молиявий сиёсатнинг асосий мақсади ҳисобланади ва давлат бюджетини ташкил қилувчи бюджетларнинг ўзаро боғлиқлиги ҳамда давлат даромадларини аниқ манбалар бўйича ва ҳаражатларни йўналтириш, моддалар бўйича режалаштириш, давлат бюджети ҳаражатларини давлат бюджети

тўғрисидаги қонун билан белгиланади ва маблағлар доирасида сарфланишини амалга оширади.

Ушбу айтиб ўтилган тамойилларга амал қилган ҳолда бюджет жараёни ташкил этилса мақсадга мувофиқ бўлади деб бемаллол айтиш мумкин.

Бюджет жараёнини ташкил этишда риоя қилиниши лозим бўлган тамойилларни 3-чизмада кўрсатилиб ўтилган.

Ҳар бир мамлакат ўзининг бюджет жараёнидан келиб чиққан ҳолда бу вазифа ва тамойилларни мустақил равишда белгилайди ва риоя қилади.

3. Бюджет жараёнини ташкил этишни ҳуқуқий жиҳатдан амалга ошириш тартиби.

Давлат бюджетини ташкил этилишини молиявий нуқтаи назардан ҳам, ташкилий ҳуқуқий нуқтаи назардан ҳам акс эттирувчи бюджет тизими давлат бюджети ички бўлинмаларининг таркибий тузилишини, уларнинг ваколатлари ва вазифалари мажмуи, уларнинг ўзаро бўйсунуш ва ўзаро алоқа қилиш тартибини, шунингдек, бюджетни ташкил этишнинг ҳуқуқий асослари ва тартиби таомилларини ўз ичига олади.

Илмий адабиётларда бюджет жараёни ҳақидаги илмий тушунчалар кўрсатилиб ўтилган ва шунга қарамай Ўзбекистон Республикасининг Бюджет тизими тўғрисидаги қонунга ҳам тўхталиб ўтилган.

Бу қонун 2000 йил 14-декабрда қабул қилинган. Унда:

- Ўзбекистон Республикасининг бюджет тизими тузилиши ва уни бошқариш асослари;
- Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетини тузиш тамойиллари ва уларни тузилмасини;
- Давлат бюджетини тузиш, кўриб чиқиш қабул қилиш ва ижро этиш тартибини;

- Давлат бюджетининг даромадларини шакиллантириш ва унинг харажатларини амалга ошириш тамойилларини;

- Давлат бюджети тузилмасига кировчи бюджетлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни;

- Давлат бюджети маблағлари билан операцияларни амалга ошириш жараёнида ҳисобга олиш ҳисобот ва назорат қилиш тартибини белгилайди.

Бюджет жараёнини тартибга солувчи асосий меёрий ҳужжат бу Ўзбекистон Республикаси Конституциясидир. Жумладан Конституциянинг 78-модда 8-бандида кўра Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан давлат бюджетини тасдиқлаш ва ижро этилиши устидан контролни амалга оширади. Конституциянинг 98-модда 2-бандида кўра Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Олий мажлис томонидан чиқарилган барча меёрий ҳужжатларнинг ижро этилишини таъминлайди.

Бундан ташқари бюджет жараёни маълум бир жиҳатдан “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида” ги, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида” ги ва бошқа қонун ҳужжатлари билан ҳам тартибга солинади. Жумладан “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида” ги қонуннинг 10-модда 5-бандига биноан Вазирлар Маҳкамаси Республика бюджетини ишлаб чиқади ва ижро этилишини таъминлайди.

“Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида” ги қонуннинг 24-модда 2-бандига биноан эса халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши Ҳокимининг тақдимига биноан маҳаллий бюджет ва унинг ижросига доир ҳисоботни тасдиқлайди ёки 25-модданинг 4-бандига биноан вилоят, туман, шаҳар ҳокими вилоят, туман, шаҳар бюджетининг асосий кўрсаткичинива уларнинг ижросига доир ҳисоботларни халқ депутатлари тегишли Кенгашининг тасдиғига тақдим этилади.

Амалдаги қонунчиликка биноан маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тегишли бюджетларни ташкил этиш ва ижро этишнинг тартибга солувчи меёрий актларни қабул қиладилар.

1993 йилда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг даромадлари ва харажатлар таснифи қабул қилиниши бюджет ислоҳотини амалга оширишнинг муҳим омилларидан бирига айланди.

Бюджет ислоҳоти ижтимоий соҳа ҳам фаол кириб келмоқда, бюджет ташкилотларида бюджетни норматив молиялаштиришни жорий этиш жараёни ниҳоясига етди. Масалан, соғлиқни сақлаш тизимида самарали ва оқилona фойдаланиш мақсадида бошланғич тиббий санитария ёрдами муассасаларининг бюджетдан молиялаштириш суммаларининг ҳисоб китобида жон бошига молиялаштириш усули қўлланилмоқда.

Таълим тизимида айрим минтакаларнинг умумтаълим мактаблари, мактабинтернатлари ва касб хунар коллежларини бир нафар ўқувчига харажатларнинг базавий меёрларидан келиб чиққан ҳолда молиялашга ўтказиш жараёни якунланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат молиясини бошқаришни ислоҳ қилиш лойиҳасини амалга оширишга тайёрланиш чоратадбирлари тўғрисида” 2002 йил 26 апрелдаги 144 сон Қарори билан давлат бюджетини ижро этишнинг ғазначилик тизимини тайёрлаш ва ташкил этиш билан боғлиқ йўналишларни ишлаб чиқишга асос солинади.

Бюджет маблағлари мақсадли ва самарали ишлатилиши, шунингдек, давлат бюджети харажатларининг тўлови ўз вақтида амалга оширилиши устидан ғазначилик бўлимларининг бошланғич ва жорий назоратини амалга оширишнинг янада замонавийроқ усуллари қўллаш зарурияти энг аввало шу билан белгиланадики, республиканинг мустақиллиги йилларида давлат бюджети иқтисодий ислоҳотларнинг амалга ошириш, аҳолининг фаравонлик даражасини ошириш, инфратузилмани, транспортни ва мамлакат иқтисодиётининг бошқа тармоқларини ривожлантириш муҳим воситасига айланди.

Ҳозирги ватда ғазначилик бўлимлари банк муассасалари билан ҳамкорликда амалга оширилаётган Давлат бюджетини ижро этиш жараёнини тубдан яхшилаш, бюджет маблағларини сарфлаш устидан бошланғич ва

жорий назоратни янада кучайтириш, молия ҳамда ғазначилик органлари, банк муассасалари, шунингдек бюджет ташкилотларининг вазифалари ва функцияларини қайта тақсимлаш учун давлат бюджетини ижро этиш тизимини ислоҳ қилишни давом эттириш зарур.

Давлат бюджетини ғазна ижроси механизми ва уни амалга ошириш учун ташкил этиладига органлар молия тизимининг таркибий элементлари сифатида, бюджет харажатлари сифатида бошланғич ва жорий назоратни амалга оширишда, даромадлар ҳисоби юритилиши давлат бюджети харажатлари амалга оширилишини таъминлашда, шунингдек унинг пул ресурсларини бошқаришда асосий ролни ўйнашлари лозим.

Хулоса

Давлат бюджети жараёни ва уни амалга оширишда бюджет ижросининг якунига этибор қаратиш муҳим муаммоларда бири бўлиб. Шу муносабат билан Республика бюджетидан молиялаштириладиган бюджет маблағларини олувчилар бюджетдан ажратиладиган маблағлардан ҳисобот даврида фойдаланганлик тўғрисидаги ҳисоботларни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига, шу вазирлик белгилаган муддатларда тақдим этиши керак. Шунга мос равишда Қорақалпоғистон Республикаси бюджетидан ҳамда маҳаллий бюджетлардан молиялаштириладиган бюджет маблағларини олувчилар бюджетдан ажратиладиган маблағлардан ҳисобот даврида фойдаланганлик тўғрисидаги ҳисоботларни тегишли молия органларига Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланган муддатларда тақдим этмоқлари лозим.

Самарқанд вилоят, туманларнинг молия органлари шаҳар, туман бюджетининг ҳисобот давридаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни тегишли ҳокимликларга ҳамда юқори молия органларига, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги белгилаган муддатларда тақдим этишини таъминлаш зарур бўлади.

Самарқанд молия органлари тегишли бюджетларнинг ҳисобот давридаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни тегишли равишда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига, шу вазирлик белгилаган муддатларда тақдим этмоғи лозим.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси солиқлар, йигимлар, божлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг Давлат бюджетига ҳисобот давридаги тушумлари тўғрисидаги ҳисоботни ҳар ойда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига, қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда тақдим этишлари шарт.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. - Т.: Ўзбекистон, 2010.
2. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодекси. – Т.: Ўзбекистон, 2008.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида»ги қонуни. \\Халқ сўзи. 2000 йил 14 январ.
4. Каримов И.А. Банк тизими, пул муомаласи, кредит , инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида.- Т.:О/збекистон 2005.
5. Каримов И.А . Эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб ,янги марралар сари изчил ҳаракат қилишимиз лозим // халқ сўзи , 2006 йил 11 феврал.
6. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.
7. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 27 январда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги маърузаси.
8. Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. – Т.: Ўзбекистон, 2011
9. Вахобов А., Косимова Г., Жамолов Х. Бюджет-солиқ сиёсати яхлитлиги. Ўқув қўлланма. –Т.: Иқтисод-молия, 2005
- 10.Ваҳобов А., Қосимова Г. Давлат молиясини бошқариш. Ўқув қўлланма. -Т.: Иқтисод-молия, 2008. -287б
- 11.Жўраев А. ва бошқалар. Солиқлар ва солиққа тортиш. – Т.: 2009.
- 12.Зайналов Ж.Р., Мадиев А. Молия. – Самарқанд: СамИСИ, 2009.
- 13.Зайналов Ж.Р., Мадиев А. Суғурта иши. – Самарқанд: СамИСИ, 2009.
- 14.Қосимова Г.А.Ғазначилик фаолиятини ташкил этиш . Ўқув қўлланма .- Т.: Иқтисод-молия 2005.

- 15.Маликов Т.С. Солиқлар ва соликка тортишнинг долзарб масалалари. – Т.: Академия, 2005.
- 16.Маликов Т.С., Ҳайдаров Н.Ҳ. Молия: Умумдавлат молияси. – Т.: Молия, 2009.
- 17.Маликов Т.С., Ҳайдаров Н.Ҳ. Бюджет даромадлари ва харажатлари. Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисод-молия, 2007. -245 б.
- 18.Маликов Т.С., Ҳайдаров Н.Ҳ. Давлат бюджети. Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисод-молия, 2007. -85 б.
- 19.Тўхлиев Б., Азизов О. Солиқ юкини камайтириш иқтисодиётни юксалтириш омили. Ўқув қўлланма. –Т: ТДИУ.2007.34 бет.
- 20.Тошматов Ш.А. Корхоналарни ривожлантиришда солиқлар роли. Монография. - Т.: Фан ва технология, 2008
- 21.Срожиддинова З. Бюджетная система Республики Ўзбекистан. – Т.: Инфоком, 2010.
- 22.Ходжаев Э.Н. Молия бозори ва қимматли қоғозлар. – Самарқанд: СамИСИ, 2009.
- 23.Ҳусанов Ғ. ва бошқалар. Молиявий менежмент. – Т.: 2008.
- 24.Ҳайдаров Н.Х . Давлат молиясини бошқариш . Ўқув қўлланма .-Т.: “Академия”,2005 .-118 бет.
25. Интернет сайтлари:
www.mf.uz
www.gov.uz
www.lex.uz
www.stat.uz
www.publicfinance.uz